

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил "20" январь

55/ 28/3 -сон

Кизилтепа туман
(шартнома тузилган манзил)

"Навоий худудий электр тармоклари корхонаси" АЖ (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади)нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Х.Исломов, бир тарафдан ва Кизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси
(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Жумаев Фарход Фармонович
("Истеъмолчи" раҳбарининг номи Ф.И.Ш.) иккинчи тарафдан

мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоклари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 9000 кВт.с., реактив кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий
нарни 450 тариф тариф
тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим
хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин)

бўйича **4 050 000 (Тўрт миллион эллик минг)** сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланиши юзэжхлосим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг

2-илоvasида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1-илоvasида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми кВт/соат ташкил этади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича;
тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта миқдор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффицентни қўллаш орқали;